

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ПИЛЛА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Бакирова Дурдона Қаюм қизи

Жиззах Политехника Инситути, Саноат технологиялар факултети

ТТДИТ_йўналиши 341-22 гуруҳ талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7722922>

Аннотация. Мақолада Республикамизда пилла ишлаб чиқаришнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, пиллачилик тармоғини самарадорлигини оширишда тармоқ корхоналарида инновацион бошқаришнинг асосий вазифалари ва уни такомиллаштириш йўллари бўйича фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

Калит сўзлар: пиллачилик тармоғи, инновацион бошқарув, қўшилган қиймат, қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш, инновацион технология, ипак қурти, ислохот, корхона, экспорт.

Кириш.Республикамизда иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида пиллачилик тармоғини самарадорлигини ошириш, ипакчилик саноатини иқтисодий ривожлантириш бугунги кунги долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимизда пиллачилик тармоғи ривожланиши учун соҳада узлуксиз равишда инновацион ёндашувга йўналтирилган сиёсатни олиб бориш, уни изчил жорий этиш чора-тадбирларини ва инновация асосида техник-технологик жиҳатдан модернизациялаш йўналишларини ишлаб чиқиш, пиллачилик тармоғидаги корхоналар фаолиятини самарали бошқариш муҳим аҳамият касб этади.Республикамизда пиллачилик тармоғининг устунлиги ишлаб чиқарувчиларнинг анъанавий ва замонавий агротехник усулларни қўллаши ва бой тажрибага эга эканлиги, унинг иқлим шароитимизга тўғри келиши ва қишлоқ жойларда ишчи кучининг мавжудлигидадир. Бу тармоқни ривожлантириш мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ошиши ҳамда чет эл валютаси тушумига таъсир қилади. Шунингдек, ушбу тармоқ ва соҳа корхоналари ишчиларининг асосий қисмини хотин- қизлар ташкил этиши республикамиздаги бандлик даражасини оширишда катта аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда 60 дан ортиқ мамлакатларда пилладан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар дунё тўқимачилигининг 0,2 фоизини ташкил этсада, 20 дан ортиқ мамлакатдагина пилла етиштирилади. Дунёда пилла етиштириш миқдори бўйича биринчи ўринда Хитой, иккинчи ўринда Ҳиндистон, учинчи ўринда Ўзбекистон, тўртинчи ўринда Корея туради. Ўзбекистонда дунёда аҳоли жон бошига пилла етиштириш бўйича биринчи ўринда турса ҳам, жаҳон бозоридаги улуши – атиги 2,5 фоизни ташкил этади. Республикамизда нафақат етиштирилаётган пилла хажмини ошириш, шу билан бир қаторда, ундан жаҳон андозаларига мос келадиган тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш асосий вазифалардан ҳисобланади. Зеро, бутун дунёда коронавирус пандемияси сабабли вужудга келган глобал иқтисодий инқироз шароитида ҳар бир мамлакат мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда тармоқ корхоналари самарадорлигини ошириш орқали иқтисодий барқарорликка

эришиши мумкин.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Республикамизда пиллачилик тармоғини ривожлантириш ҳамда уни иқтисодий муаммоларини ўрганишда мамлакатимиз олимлари томонидан кўплаб илмий ишлар олиб борилган. Бу борада профессор С.Артикова бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистонда ҳудудий пиллачилик агросаноат мажмуаларини шакллантириш ва уларни иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борган [1]. Тадқиқот ишида Республикамизда турли ҳудудларда пиллачилик мажмуасини ташкил қилишга таъсир этувчи омиллар бирма-бир таҳлил қилинган. Иқтисодчи олим Р.Исраилов эса мамлакатимизда пиллачилик тармоғида аҳоли бандилиги таъминлашни асосий омили уларни моддий томондан рағбатлантириш лозимлигини таъкидлаб, бу борада илмий изланишлар олиб борган [2]. Ушбу илмий тадқиқот ишида эса пиллачилик тармоғида банд бўлган аҳолини рағбатлантириш бўйича бир қанча тавсиялар ишлаб чиқилган. Хусусан, яна бир иқтисодчи олимлардан Ш.Ўроқов бозор иқтисодиёти шароитида пиллачилик тармоғи ривожланиш истиболларини белгилаш муаммоларини ўрганиб, пиллачилик тармоғини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшган [3]. Олим ўз илмий мулоҳазаларида, бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон иқтисодиётини юқори поғонага кўтаришда, аввало, мамлакат валюта тушумини бойитишда пиллачилик муҳим ўринни эгаллашини тадқиқ этган.

Инновацион бошқаришнинг илмий-назарий ҳамда амалий асослари тадқиқ этиш борасида МДХ мамлакатлари олимларидан рус иқтисодчи-олими Борисов А.Б. инновацияларни қуйидагича таърифлайди: “инновация технологияларнинг янги турларини ишлаб чиқиш, яратиш ва тарқатиш, янги ташкилий шаклларни жорий этишга қаратилган ижойий фаолият натижасини англатади” [4].

В.Г. Медынский олиб борган изланишлари асосида “инновация сифатида олиб борилган илмий-тадқиқот ёки аввалгига ўхшаш туридан сифат жиҳатдан фарқ қилувчи янгисининг яратилиши натижасида ишлаб чиқаришга жорий этилган объект тушунилади” деган хулосага келган [5]. Фатхутдинов Р.А. эса “инновация – объектни бошқаришни ўзгартириш ва иқтисодий, ижтимоий, экологик, илмий-техникавий ва бошқа турдаги самарани олиш мақсадида янгиликни жорий этишнинг якуний натижаси”, деб баҳолаган [6]. В.Л.Попов томонидан эса “Инновация – бозорда сотиладиган янги турдаги ёки такомиллашган маҳсулотнинг, амалиётда фойдаланиладиган янги ёки такомиллашган технологик жараённинг амалга оширилишини ҳосил қилувчи инновация фаолиятининг якуний натижаси” дейилган [7].

“Инновация” атамасининг иқтисодий мазмун-моҳиятини очиб бериш бўйича Ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлардан Р. И. Гимуш, Ф. М. Матмуродовлар “инновация деганда янгилик ва янгилик киритиш деган маънони билдиради. Бу янгилик замирида янги тартибни, янги одатни, янги услубни, кашфиётни тушуниш лозим”, деб таъриф берган [8]. Б.Э.Тошмуродова, Н.Жияновалар фикрига кўра: “инновация тушунчаси ўз

ичига фақатгина техник изланишларни олмасдан, балкикорхона иши усулидаги барча яхши ўзгаришларни (янги хизматлар, пастроқ нархлар белгилаш ва бошқа мижозлар учун қулай шароитлар яратиш) олади [9]. Амалга оширилган ушбу тадқиқотлар муҳим илмий ва услубий манба бўлса-да, бугунги кунда республикада пиллачилик тармоғида мавжуд салоҳиятини ҳисобга олиб, пиллачилик тармоғидаги жараёнларни бошқарув фаолиятига инновацион менежмент усуллари татбиқ этишга қаратилган илмий тадқиқотлар деярли амалга оширилмаган. Лекин ҳозирги даврда, пиллачилик тармоғини ривожлантириш, тармоқ корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлаш зарурати пайдо бўлган даврда, тармоқ корхоналарида бошқарувда инновацион ёндашувларни ҳамда корхоналарда инновацион бошқарувни ташкил этиш ва унинг услубларини такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолани ёзишда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини, пиллачилик тармоғидаги иқтисодий ва бошқарув муаммолари ўрганилган, соҳани ривожлантиришда ўз ҳиссаларини қўшган хорижлик ва Ўзбекистонлик олимларнинг илмий ишлари, ўқув адабиётлари таҳлил қилинди. Тадқиқот методологияси сифатида назарий ва статистик таҳлил, кузатиш, каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистонда тут ипак курти уруғини тайёрлаш, қуртини боқиш, пиллани дастлабки ишлаш, янги курт зотлари ва дурагайларини яратишни ва тутчиликни ўз ичига олган мукамал мажмуа яратилган бўлиб, республиканинг барча вилоятларида етиштирилиб келинган. 1940-1990 йилларда пиллачиликда юқори ўсиш суръатларига эришилди, пилла етиштириш деярли 3 барабар кўпайган. 1991 йилда республикада 33,8 минг тонна пилла тайёрланган. Бу даврларда нафақат Ўзбекистонда, балки пиллачилик билан шуғулланувчи жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ҳам пилла етиштириш кўрсаткичлари юқори бўлган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида республикада қишлоқ хўжалигининг аҳамиятли тармоқларидан бири - пиллачиликни ривожлантириш, пилла хомашёсини етиштириш, дастлабки қайта ишлаш ва сотиш жараёнларида юзага келган муаммоларни бартараф этиш, соҳани бозор иқтисоди талаблари асосида ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 30 мартдаги “Республикада пиллачилик соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 3 апрелдаги “Республика пиллачилик соҳасини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 февралдаги “Пиллачилик маҳсулотларини экспорт қилишни тартибга солиш тўғрисида” ги қарори, 2006 йил 15 ноябрдаги “Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПК-512-сонли қарори каби бир қатор меъёрий ҳужжатлар республикада пиллачилик тармоғида босқичма-босқич иқтисодий ислохотларни амалга ошириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиб келди.

Лекин ушбу чора-тадбирларни амалга оширилишига қарамай Ўзбекистон Республикаси

пилла етиштиришда ўсиш суръатлари пасайди. Кейинги пайтда ипакчилигимиз довруғи пасайиб, аҳоли орасида ипак қурти парваришlashга иштиёқ сусайган эди. Оқибатда пилла етиштириш, уни чуқур қайта ишлаш ва экспорт қилиш кўрсаткичлари кескин тушиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2856 сонли қарори асосида, таркибида 210 га яқин корхона ҳамда ташкилотларни бирлаштирган “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси ташкил этилгач, пиллачилик соҳасида ўзгаришлар рўй берди. Уюшмага юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида, 13 та ҳудудий ва 144 та туман “Агропилла” МЧЖлари фаолияти йўлга қўйилди. Шу билан бирга, 2019 йил 1 март ҳолатига 8 та ипак қурти уруғи ишлаб чиқариш, 46 та пиллани қайта ишлаш ҳамда ипак газламалар ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналари, 22 та тут уруғи ва қўчатлари етиштириш хўжаликлари “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси аъзоси ҳисобланди.

Пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантиришга қаратилган яхлит ташкилий-технологик тизим барпо этилгач, Республикамизда бу соҳада ижобий томонга ўзгаришлар янада ривожланди. “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси ташкил этилганидан сўнг хориж тажрибаси ўрганилган ҳолда, тармоққа инновацион ғоя ва технологиялар кенг жорий қилина бошланди. Бу нафақат ипак қурти парваришlash жараёни, балки озуқа етиштириш, зарур ускуна ва жиҳозлар етказиб бериш, қайта ишлаш босқичларини тўлиқ модернизация қилиш бўлиб, инновацион пиллахоналарда қўлга киритилган дастлабки натижалар бунга яққол мисолдир. Шу йилнинг ўзида Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Андижон ва Фарғона вилоятларида 150 дан ортиқ пилла етиштириш янги мажмуалари барпо этилиб, тармоқда такрорий пилла етиштириш йўлга қўйилди. Хитой технологияси асосида бунёд қилинган инновацион пиллахонада ипак қурти плёнка остида парваришлиб, бунинг ҳисобига барг сарфи 30 фоизгача камаяди, унинг қотиб қолиб, беҳуда йўқотилишининг олди олинади.

Республикамиз пиллачилик ва ипакчилик соҳаси жадал ривожланиб, кейинги тўрт йилда соҳани ривожлантириш бўйича 10 дан ортиқ фармон ва қарорлар қабул қилинди. Натижада жорий йилда пилла етиштириш ҳажми 2017 йилга нисбатан 180 фоизга оширилди. Бутун дунёда коронавирус пандемияси сабабли вужудга келган глобал иқтисодий инқироз шароитига қарамай, 2020 йилда Республикамизда етиштирилган пилла ҳажми ўтган йилга нисбатан 107,1 фоизни ташкил этди (1-жадвал). Бу эса тизимдаги корхоналарнинг йил давомида тўлиқ қувват билан ишлашга имкон беради.

1-жадвал 2019-2020 йилларда Республикамизда етиштирилган пилла ҳақида
маълумот

№	Вилоят номи	2019 йил		2020 йил		Етиштирилган пиллани 2020 Йилда 2019 йилдагига нисбатан ўзгариши	
		Парвариш ланган ипак қурти, қути	Етиштири л ган пилла, тонна	Парвариш ланган ипак қурти, қути	Етиштири л ган пилла, тонна	Фарқи (+,-)	Ўзгариш и (фоизда)
1	Андижон	48100	2743,4	49400	2717	-26,4	99,0
2	Самарқанд	48100	2655	49350	2714	59	102,2
3	Бухоро	36400	2043,4	40000	2200	156,6	107,7
4	Қашқадарё	35500	1987,4	36364	2000	12,6	100,6
5	Фарғона	31800	1837	35455	1950	113	106,2
6	Хоразм	29000	1674	32000	1760	86	105,1
7	Наманган	27300	1508	32000	1760	252	116,7
8	Сурхондарё	27300	1500	29090	1600	100	106,7
9	Тошкент	21800	1140	25980	1429	289	125,4
10	Навоий	15500	879,1	16183	890	10,9	101,2
11	Жиззах	10700	592,7	12727	700	107,3	118,1
12	Қорақалпоғистон Республикаси	10700	617	12727	700	83	113,6
13	Сирдарё	7800	430	10550	580	150	134,9
Республика бўйича жами		350000	19607	381826	21000	1393	107,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Тизим корхоналари томонидан ипак маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича кўрсаткичлар ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Хусусан, 2018 йилда 51,1 миллион АҚШ доллари қийматида пиллачилик маҳсулоти экспорт қилинган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 70 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 2020 йилда эса 71млн. АҚШ доллари қийматида пиллачилик маҳсулоти экспорт қилинмоқда. Шу вақтга қадар пилла мамлакатимиз учун валюта манбаи бўлганлиги сабабли, 90 фоиздан ортиқ пилла экспорт қилинар эди. Олиб борилган чора-тадбирлар натижасида, пиллачиликда қўшилган қиймат занжири орқали фойдани ошириш мақсадида 20 фоизга яқин пилла ўзимизда қайта ишланиб, экспортга йўналтирилмоқда. Ўзбекистон бугунги кунда дунёдаги жуда кўплаб давлатларга ипак маҳсулотларини экспорт қилмоқда, жумладан, ХХР, Ҳиндистон, Вьетнам, Франция, Италия, Австрия, АҚШ, жами 26 та давлатларга пиллачилик маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

Пиллачилик тармоғида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, соҳани жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кластер усулини кенг жорий этиш, пиллани чуқур қайта ишлашда инвестициялар ҳажмини ошириш ҳамда юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш мақсадида 2019 йил 31 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4411-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда пиллачилик кластерлари тут ниҳоли ва кўчати етиштириш, ипак қуртини кўпайтириш, ипак толаларини тайёрлаш ва йигириш, ипак газлама ишлаб чиқариш, тут чойи ишлаб чиқариш, гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва ипак газламадан тайёр кийимлар ишлаб чиқариш каби 7 турдаги иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналар мажмуидан ташкил этилиши белгилаб берилди.

1-жадвал Ўзбекистон Республикаси пиллачилик тармоғининг асосий фаолият кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
Пилла боқиш мавсумлар сони, марта	1	2	3	4	4
Етиштирилган тирик пилла ҳажми, минг тонна	10,5	12,5	18,0	19,6	21,0
Мавжуд қувватларда н фойдаланиш даражаси, фоиз	17,8	54	84	91	94
Экспорт ҳажми, млн.АҚШдолл.	20,9	30,9	51,1	70	71
Доимий ишчилар сони, минг киши	1,8	5,5	14,4	18,3	24,44
Мавсумий ишчилар сони, минг киши	181,4	214,2	410,9	621,0	736,57

Манба: “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси маълумотлари

Бунинг натижасида Республикамизда охириги икки йил давомида пилла боқиш сони йилига 4 марта амалга оширилиб, пилла етиштириш ҳажми 21 минг тоннага етказилди. Ушбу маҳсулотни бирламчи қайта ишлаш ва чуқур қайта ишлаш бўйича Республикамизда мавжуд қувватлардан фойдаланиш даражаси 94 фоизга етказилди. Бунинг натижасида тармоқ экспортидан келиб тушаётган валюта тушуми 71 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, экспорт ҳажми 2020 йилда 2016 йилга нисбатан 3,4

баробарига ошганлигини кўришимиз мумкин (2-жадвал).

Бугунги кунда уюшма тизимида 11 та ипак қурти уруғи, 62 та кластер усулида пилла етиштириш ва қайта ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирда 10 та ипак мато, гилам ва тайёр маҳсулотлар, 3 та ипак ва жун аралашмаларидан қўлда гилам тўқувчи йирик корхоналар ҳамда 1 та ипак қуртиғумбагидан оқсил ишлаб чиқарувчи корхона ишга туширилган [10]. Тармоқни ҳар томонлама ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қайта ишлашнихалқаро стандартларга етказиш билан бирга, соҳада аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янги қувватларни ишга тушириш ҳисобидан пиллачилик тармоғида 2020 йилда 24,4 мингта доимий, 736,6 мингта мавсумий ишўрни яратилди (3-жадвал).

2-жадвал 2020 йилда Республикада пиллачилик тармоғида яратилган иш ўринлари

№	Вилоят номи	Пиллани қайта ишлаш корхонаси, дона	Яратиладиган иш ўринлар и, минг киши	Шундан	
				Доимий, киши	Мавсумий, минг киши
1	Андижон	5	122.9	3925	119
2	Бухоро	3	72.4	2857	69.5
3	Фарғона	7	61.3	2433	58.9
4	Жиззах	3	23.4	631	22.8
5	Хоразм	3	57.2	1649	55.6
6	Наманган	5	57.5	2408	55.1
7	Навоий	3	29.3	832	28.5
8	Қашқадарё	2	68	1420	66.6
9	Қорақалпоғистон Республикаси	2	28.7	932	27.8
10	Самарқанд	7	84.2	2286	81.9
11	Сирдарё	1	21.4	631	20.8
12	Сурхондарё	3	81.4	2750	78.7
	Тошкент	5	53.1	1685	51.4
Республика бўйича жами		49	760.8	24439	736.6

Манба: “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Пиллачилик тармоғида олиб борилаётган ислохотлар, хориж тажрибаларини ўрганган ҳолда тармоқни инновацион ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида ташкил этилаётган замонавий корхоналар, яратилаётган иш ўринлари пиллачилик тармоқ корхоналарида бошқаришнинг инновацион усуллари қўллашни талаб этади. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётни бошқариш шакллари ўзгариб, нафақат давлат ташкилотлари балки хусусий секторда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар ўз бизнесларини самарали

ташкил қилишда инновацион менежментга эътиборни кўчайтиришлари лозим. Ҳозирги даврда эса кўплаб корхоналар ҳуқуқий ва иқтисодий эркинликка эга бўлиб, уларнинг фаолиятига юқори ташкилотлар аралашуви унчалик тўғри эмас. Шундай экан, тадбиркорлик фаолиятида инновацион менежмент соҳасида ўзига хос тушунчалар, ёндашувлар, инновацион менежмент усуллари ва тамойиллари иқтисодиётни марказлашга бошқаришда инновацион ёндашувлардан бир мунча фарқ қилади.

Инновацион бошқарув - инновацион жараёнлар, инновацион фаолият, бу фаолият билан банд бўлган тизимости тузилмалар ва уларнинг ходимларини инновацион ёндашув асосида бошқариш ҳисобланади.

Инновацион бошқарув стратегик бошқарувнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, ҳар қандай корхонанинг инновацион бошқаришнинг асосий мақсадлари:

- янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш, такомиллаштириш ва жорий этиш;
- корхонанинг илмий-техник ва ишлаб чиқариш фаолиятини асосий йўналишларини аниқлаш;
- фойдалилик даражаси юқори бўлган ишлаб чиқаришни янада модернизациялаш ва ривожлантириш;
- эскирган ишлаб чиқариш қувватларини тугатиш.

Маълумки пиллачилик тармоғида бир килограмм ипакнинг нархи ва ипакдан олинган калавадан мато тўқиб, ундан тайёрланган кийим-кечак нархи орасидаги тафовут камида 10-12 бараварни ташкил этади. Ипак калавасидан тўқилган гиламларларнинг нархи эса бунданда қиммат. Тармоқ маҳсулотларини хомашё сифатида эмас, тайёр маҳсулот сифатида экспорт қилиш даромадни бир неча баробар оширишга имкон бериши билан бирга, аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларига ҳам ечим топади. Албатта, бу борада Республикамизда олиб борилаётган ислохотлар, амалга оширилаётган чора-тадбирлар таҳсинга сазовор. Лекин, тармоқ корхоналарида ҳам ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини, кўринишини, дизайнерини доимо такомиллаштириб бориш керак, чунки бозордаги истеъмолчиларнинг талаби кундан-кунга ўзгариши табиий ҳол. Бу эса ўз навбатида корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини инновацион ёндашув асосида ташкил этишни тоқозо этади.

Корхонада рўй бераётган инновацион жараёнларнинг самарадорлиги, инновацион стратегияни шакллантиришда қўлланиладиган усул ва услубларга, янги маҳсулот категориясига, ишлаб чиқиладиган инновациялар турларига, инновацион-тадқиқот ишлари натижаларининг ишлаб чиқаришда қўлланилишига боғлиқ бўлади. Улар орасида энг муҳим элементлар бўлиб қуйидагилар саналади:

- инновацион тавсифдаги ечимларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг самарали стратегиялари;
- муайян ташкилий тузилмада бундай стратегияни амалга ошириш жараёнини бошқарув механизми.

Демак, пиллачилик тармоғида фаолият олиб бораётган корхоналарни инновацион бошқаришда қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширишлари лозим:

- инновацион мақсад ва дастурларни бозорнинг ҳолати ва ташқи муҳитўзгаришига қараб доимий равишда мувофиқлаштириб бориш;
- корхонанинг инновацион фаолиятида режалаштирилган якуний натижагаэришишга эътиборни қаратиш;
- бошқарув қарорларини қабул қилишда бир нечта вариантларни ҳисобини олишучун замонавий ахборот базасидан фойдаланиш;
- стратегик бошқариш ва режалаштириш функцияларини ўзгартириб бориш (жорийдан истиқболга қараб);
- корхонани ривожлантириш ва такомиллаштиришда мавжуд барча асосийомиллардан фойдаланиш;
- корхонанинг барча илмий техник ва ишлаб чиқариш салоҳиятини бошқарувгаэтиборини қаратиш;
- ўзгаришларни олдиндан сезиш ва вазиятга мослашувчан қарорларни қабул қилишга асосланган бошқарувни амалга ошириш;
- корхонанинг ҳар бир сегментида инновацион жараёни таъминлаш;
- ҳар бир бошқарув қарорини чуқур иқтисодий таҳлил қилиш.

Хулоса ва таклифлар. Инновацион бошқарувнинг устувор мақсадлари инновацион фаолиятни фаоллаштириш асосида корхонани ўсиши ва ривожланиши, янги товарлар ва янги технологияларни бозор томонига фаол ҳаракатлантириш иқтисодий тараққий этиш ваянги бозорларга бостириб киришни фаол ўсиши учун ишлаб чиқаришни янада ихтисослаштириш ва ҳар томонлама ривожлантириш имкониятларидан фойдаланишдан иборатдир. Пиллачилик тармоғидаги корхоналарнинг тактик мақсадлари ҳам янгиликларини ишлаб чиқиш, татбиқ этиш ва ўзлаштириш, корхонага инвестициялар киритишни ва молиялаштириш, мутахассислар малакасини ошириб бориш учун ўқитиш, ходимларни рағбатлантириш ва мукофотлаш, ИТТКИ ва янгиликларнинг илмий базаси, бошқарувнинг усули ва вазифалари, йўллари ва услубларини такомиллаштиришдан иборатдир.

Мамлакатимизда пиллачилик тармоғи ривожланиши учун соҳада узлуксиз равишда инновацион ёндашувга йўналтирилган сиёсатни олиб бориш, уни изчил жорий этиш чора-тадбирларини ва инновация асосида техник-технологик жиҳатдан модернизациялаш йўналишларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга экан, ушбу тармоқда инновацион бошқарув механизмини шакллантиришга имконини берувчи методик асосларни ишлаб чиқиш зарур. Пиллачилик тармоғида инновацион бошқарувни такомиллаштириш назарий-услубий асослари ушбу тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш ва экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқиб, жаҳон бозорида ўз мавқеини оширишга хизмат қилади.

References:

1. Артикова С. Формирование и повышение эффективности регионального

подкомплекса шелк АПК в Узбекистана в условиях перехода рыночным отношениям. и.ф.д., дисс. -Т.1991.

2. Исроилов Р. Повышение материальной заинтересованности работников шелководства. и.ф.н.,дисс.автореферат. - Т.1991.Б-24.

3. Ўроқов Ш. Бозор иқтисодиёти шароитида пиллачилиқ тармоғи ривожланиш истиболларини белгилаш. и.ф.н.дисс.Т.2005. Б-14

4. Борисов А.Б. Большой экономический словарь. – М.: Книжный мир, 2000. – С. 185.

5. Попов В.Л. Управление инновационными проектами. Учебное пособие. – С.: ИНФРА-М, 2009. – С.11.(С. 337)

6. Гимуш Р. И., Матмуродов Ф. М. Инновацион менежмент: Иқтисодиёт олий ўқув юртлари учун ўқув қўл. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2008. – Б. 10. (144 б.)

7. Тошмуродова Б.Э., Жиянова Н. «Инновация фаолиятини молиявий рағбатлантириш». Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-Moliya, 2006.-110 б9.

